
Қишлоқ тараққий топса, юрт обод бўлади

Яқинда энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида катта шодиёналар билан нишонладик.

Барча жабҳаларда ўтган ана шу қисқа давр ичида асрга татиғулик ютуқларга эришдик. Кундан-кун чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз, гуркураб ўсаётган иқтисодиётимиз, янгидан қурилаётган йўллар, иншоотлар, хуллас, улкан бунёдкорлик ишлари бунинг ҳаётий ифодасидир. Юртбошимиз мустақилликнинг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида алоҳида таъкидлаганидек, йиллар ўтиши билан, олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари юришимизда чуқур ва атрофлича ўйланган, халқаро майдонда “ўзбек модели” деб тан олинган демократик ислохотлар йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи оқлаб, исботлаб бермоқда ва бу ҳақиқатга бизга хайрихоҳ бўлмаган мутахассис ва экспертлар, тегишли халқаро институтлар ҳам иқдор бўлмоқда. Мустақил тараққиёт давомида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, жон бошига олинадиган даромадлар эса 8,7 баробар кўпайгани бунинг тасдиғидир. Бугун қай томонга боқманг, улкан бунёдкорликлар, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Кўхна ва замонавий меъморий ечимларни ўзида мужассам этган гўзал бинолар — мактаблар, коллежлар, лицейлар, спорт мажмуалари, тиббиёт муассасалари... Худудларда аҳолига ҳар томонлама қулай шинам уй-жой массивлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Айниқса, қишлоқларда шаҳардаги шароитлардан асло кам бўлмаган инфратузилмалар шакллантирилаётгани бизга чексиз қувонч бағишлайди. Бундай ишлар моҳиятида “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади” деган эзгу ғоя мужассамдир. Айнан мана шу тамойил асосида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорлар, қолаверса, тегишли Давлат дастури ижроси қишлоқ ҳаётида янги давр ва босқични бошлаб берди.

Яхши биламиз, авваллари қишлоқларда пахса, гуваладан тикланган паскам уйларда икки, уч оила тикилинч яшарди. У ердаги маиший-санитар шароитлар ҳақида-ку гапиришнинг ҳожати йўқ. Ҳозир-чи? Бугун барча шарт-шароитга эга бўлган, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган ва этилаётган уй-жойлар ҳудудларимиз файзи, кўркига айланмоқда. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини амалга ошириш доирасида 1,3 триллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилгани, янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 4486 яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилгани бунга яна бир мисолдир. Бундай бунёдкорлик жараёнлари қурилиш саноати ривожидида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, янги иш ўринлари ташкил этилиши, аҳоли даромади ва турмуш шароитига ижобий таъсир ўтказмоқда. Ўз навбатида, қишлоқ жойларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусан, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Энг муҳими, қишлоқ аҳолиси ҳар жиҳатдан мукамал турмуш шароити муҳайё қилинаётганидан жуда мамнун. Буни сайловчилар билан учрашувлар, мулоқотлар чоғида уларнинг юз-кўзида зухур этаётган шукроналик ифодаларидан ҳам англаш қийин эмас. Дунёнинг кўплаб давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари ҳамон кузатилаётган, ижтимоий муаммолар тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда бизда амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар кўпчиликнинг ҳавасини келтираётгани ҳам бор гап. Буни юртимизда ўтказилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” халқаро симпозиуми ҳамда “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган нуфузли ташкилотлар, дунёнинг элликдан ортиқ давлатларидан келган олим, мутахассис ва экспертларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбари табрик сўзида айтиб ўтганидек, ҳақиқатан ҳам, биз кўлга киритган ютуқлар — миллий давлатчилик қурилиши, кенг кўламли замонавий ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз эришган барқарор ўсиш суръатлари, аҳолимизнинг турмуш даражаси ва сифати юксалиб, юртимиз

қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очиб бораётгани — буларнинг барчаси халқаро майдонда муносиб тан олинаётгани, обрў-эътиборимиз ошаётгани фахру ифтихор манбаидир.

Мухтасар айтганда, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини таъминлашдек эзгу ғоялар қамраб олинган. Зеро, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Раъно ГАИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Халқ сўзи, 9 сентябрь 2014 йил.